

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАЮМОВА ГУЛНОЗА ХАБИБЖОН ҚИЗИ

**АҲОЛИНИ ЭРИТРОЦИТ АНТИГЕНЛАРИ БИЛАН
АЛЛОИММУНИЗАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЭРИТРОЦИТЛАРНИНГ
АНТИГЕН ТАРКИБИГА КЎРА АҲОЛИНИНГ
ГЕНОГЕОГРАФИК ТАРМОҒИНИ ТУЗИШ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation

Қаюмова Гулноза Хабибжон қизи

Аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини таъхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геноеографик тармоғини тузиш 3

Қаюмов Гулноза Хабибжон қизи

Совершенствование диагностики аллоиммунизации антигенами эритроцитов и создание геноеографического регистра населения..... 23

Қаюмова Гулноза Хабибжон қизи

Improving the diagnosis of alloimmunization with red blood cell antigens and the creation of a genogeographic population register 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАЮМОВА ГУЛНОЗА ХАБИБЖОН ҚИЗИ

**АҲОЛИНИ ЭРИТРОЦИТ АНТИГЕНЛАРИ БИЛАН
АЛЛОИММУНИЗАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЭРИТРОЦИТЛАРНИНГ
АНТИГЕН ТАРКИБИГА КЎРА АҲОЛИНИНГ
ГЕНОГЕОГРАФИК ТАРМОҒИНИ ТУЗИШ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib375 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори

Баховадинов Бурхонидин Баховиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор(Россия)

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Бабажанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясига (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўзбекистонда туб аҳолининг (ўзбекларнинг) улуши етарли даражада юқори бўлсада (2013 йилдаги маълумотлар бўйича 82%), бироқ, унинг этник таркиби турли тумандир ва кўп миллатлилик даражаси бўйича Мамлакатимиз Россия Федерацияси билан қиёсланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга кўра «...Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари аҳолисининг 90%дан ва Самарқанд, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сурхандарё, Навоий вилоятлари аҳолисининг 80%дан юқорисини ўзбеклар ташкил этади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 65%дан кўпроғи, Қорақалпоғистонда эса жами аҳолининг 37% ўзбеклардан иборат...»¹. Рақамлардан кўришиб турибдики, бошқа этник гуруҳларнинг тарқалиши Республиканинг турли минтақаларида бир - биридан бирмунча фарқланади. Бундай ҳолатларда биринчи навбатда тўлиқ АВО ва резус тизимлар антигенларини учраш сонини минтақавий махсуслиги тўғрисидаги маълумотларни муҳим зарурияти юзага келади. Бундан ташқари, АВО, Резус, Kell-Cellano тизим эритроцитлар антигенларини ва Резус, Келл тизим антигенларининг фенотипларини билиш донорлик қони фенотипланган таркибий қисмларини узоқ муддатли сақлаш банкларини яратишга имкон яратади. Бу эса ўз навбатида реципиентлар учун қон таркибий қисмларини қуйиш хавфсизлигини оширади. Бундай банкларнинг аҳамияти ялпи фавкулотда ҳолатлар ва ҳалокатлар хавфи юқори бўлган замонавий шароитда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Трансфузиологиянинг яна бир муҳим муаммоси гемотрансфузияни иммунологик ва юқумли хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Мазкур ҳолат чақалоқларнинг гемолитик касалликлари, қон қуйишдан кейинги асоратларни олдини олиш билан боғлиқдир. Посттрансфузион реакциялар қон компонентларини қуйиш пайтида ҳам, трансфузиядан кейинги маълум вақтда ҳам кузатилиши мумкин. Бироқ, посттрансфузион реакциялар учраши такрорланади ва узоқ муддатли трансфузияларда ортади. Бу эса ўсма ва гематологик беморлар учун муаммони далзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш самарадорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар аҳолининг турли қатламлари орасида ҳудудлар кесимида қон гуруҳини учраш даражасини, уларни солиштирма баҳолаш тартибини асослаш ҳамда қон гуруҳлари бўйича ҳудудларнинг геногеографик харитасини яратишдан иборат. Бунда донорлар, ҳомиладорлар ва гематологик беморларда эритроцитларнинг трансфузион хавфли антигенларини учраш сонини баҳолаш ҳамда улар учун иммунологик мос эритроцитлар танлаб олиш алгоритминини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Республика Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил ҳисоботи маълумотлари. Тошкент, 2010 йил

Мамлакатимиз тиббиётига соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислаш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Дунё илмий адабиётларда турли ирқ ва этник гуруҳ вакиллари ўртасида резус ва АВО тизимлар қон гуруҳларини тақсимланиши тўғрисидаги катта миқдордаги материаллар мавжуддир [Ю.Г.Ричков ва ҳаммуал., 2000]. Демак, Шимолий ва Жанубий Американинг туб аҳолиси орасида, Африканинг баъзи худудларида, Австралия аборангенлари орасида эса О гени устунликка эга. А гени эса Европада истиқомат қилувчиларда юқори сонда кузатилади. В генининг жуда юқори сони монголоидларда ва Ҳиндистон аҳолисида кузатилади. Қайд этилганки, шимолий ярим шарларда Европадан Осиёга томон ҳаракатланиб боришда А генининг сони пасаяди ва В эса ортиб боради [G. Garratty et.al. 2004]. Бир қатор олимлар Россия Федерациясида АВО генини турли ирқ ва этнос вакиллари орасида тарқалишини ўрганишган [А.С.Абдина, 2000;

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Н.М.Михайлова, Н.И.Васильев, 2002; Е.А.Хромова, 2003]. 2000 йилгача ушбу муаммо устида А.Г.Башлай (1968), Н.П.Вожегова ва ҳаммуал., (1986), Г.М.Давидова (1974), Г.А.Зайцева ва ҳаммуал., (1981), Шабалина В.Н., Серова Л.Д. (1988). Эритроцитларнинг трансфузион хавфли антигенларини тадқиқ қилиш соҳасидаги ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб олиб борилган бир қатор ишларни келтириш мумкин. Буларга, J. Dausset (1959), М.А.Умнова (1967), В.А.Млрокова (1992), А.Г.Башлай ва ҳаммуал. (1998), В.И.Червякова (2000), С.И.Донскова ва ҳаммуал. (2006) томонидан олиб борилган. Мазкур ишларда эритроцитларнинг трансфузион хавфли антигенларининг учраш сони, уларни иммуногенлиги, минтақалар бўйича тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистонда иккита-АВО ва резус тизимлар бўйича жами бўлиб 6 та антигенлар аниқланган, шунингдек, ДПМ ва қон хизмати муассасаларида иммун антителоларни скрининг аниқлаш ўтказилади, аммо аниқланадиган антителоларнинг махсуслигини аниқлаш стандарт эритроцитлар панелини мавжуд эмаслигига имкон бермайди. Адабиёт маълумотларига мос холда [С.И.Донсков, Т.В.Гапонова, 2013] бу гемотрасфузия хавфсизлигини фақат 80%га таъминлайди. Е, е, с, К, к, С^w ва бошқалар каби трансфузион хавфли антигенлар улушига тўғри келадиган қолган ҳолатлар қон хизмати томонидан аниқланмайди. ЖССТнинг тавсиясига кўра (2005), қон қуйиш, энг камида 10 хил трансфузион хавфли антигенлар аниқлангандан кейин ўтказилиши лозим. Адабиёт маълумотларига кўра, трансфузион хавфли антигенлар бўйича мос бўлмаган, аммо шуна яқин бўлган қон қуйиладиган ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам трасфузион асоратлар 5%гача бўлган ҳолатда кузатилади [О.В.Тихонова ва бошқалар, 2014].

Асоратлар сонини камайтириш учун трансфузиологларнинг халқаро жамияти (ISBT) мазкур минтақадаги халқлар учун хос бўлган имкон даражасида кўпроқ аниқлашни тавсия этади, булар бўйича бизнинг республикамизда тадқиқотлар олиб борилмаган ва ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас. Бу қон қуйишдан кейинги асоратларни ривожланиш хавфини сезиларли оширади ва чақалоқлардаги гемолитик касалликни эрта ташхислашни қийинлаштиради. Яна шу ҳолат рад этилмайдики, ҳомиладорликдаги асоратлар: бола тушиши, ўлик туғилиш, чақалоқларнинг гемолитик касалликлари ва жуда кўп ҳолатларда аллоиммунизация натижаси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказининг АДСС 15.14.1 «Қон қуйишдан кейинги асоратларни олдини олиш учун эритроцитлар антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва чақалоқларнинг гемолитик касаллиги» амалий лойиҳаси доирасида (2015-2017) бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон аҳолисини АВО ва RH тизимлар бўйича геногеографик фонини аниқлаштириш, шунингдек, ҳомиладор аёлларда ва кўп марта қон қуюлишини қабул қилган беморларда эритроцитларнинг

трансфузион хавфли антигенлари сонини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида АВ0, Резус, Kell-Cellano тизими қон гуруҳларини учраш сонини баҳолаш;

Тошкент шаҳар ва умуман республиканинг барча вилоятларида қон гуруҳини учраш сонини солиштирма баҳолаш;

қон гуруҳлари бўйича Республика геногеографик харитасини яратиш;

донорлар, ҳомиладорлар ва гематологик беморларда эритроцитларнинг трансфузион хавфли антигенларини учраш сонини баҳолаш;

гематологик беморлар учун иммунологик мос эритроцитлар танлаб олиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2017 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган соғлом донорлар, гемолитик беморлар ва ҳомиладор аёлларнинг қон намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйлаб қон гуруҳининг учраш даржаси ва тақсимланиши, эритроцитларнинг трансфузион хавфли антигенларини учраш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон, Қашқадарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида А гуруҳ устунликка эга, Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида – О гуруҳ, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида эса А ва О қон гуруҳларининг кўрсаткичлари тенглиги ҳамда Сирдарё вилоятида эса А, О ва В кўрсаткичлари нисбатан бир хиллиги исботланган;

Ўзбекистон Республикаси бўйича АВ0 тизимларининг фенотиплари $A \geq O > B > AB$, Қорақалпоғистон Республикасида - $O > A > B > AB$ ва Тошкент шаҳри бўйича қон гуруҳи фенотиплари сонининг кетма-кетлиги - $O \geq B > A > AB$ ва мамлакатимиз бўйича резус мусбатлилар 93,8%ни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эса - 95,3%ни ва Тошкент шаҳри бўйича - 93,0%ни ташкил этганлиги асосланган;

резус ва Kell тизимлари бўйича соғлом донорларда минор антигенлар даражасининг текширилувчига нисбатан: С-75,5%; с-80,6%; Е-49,0%; е-96,9% ва С-8,2% ни, Kell тизими бўйича эса нисбатан KEL1 - 6,1% ва KEL2 - 90,8% ни, резус тизими бўйича энг кўп учраган фенотиплар бўлиб – CcDEe ва CcDe, соғлом донорларда Kell тизими бўйича устунликка эга бўлган фенотип бўлиб – К ва к 92,9%ни ташкил қилганлиги исботланган;

резус ва Kell тизимлари бўйича қон касалликлари билан хасталанган беморлардаги минор антигенлар С-65,3%; с-70,4%; Е-37,8%; е-90,8% ва Cw-14,3% ни, Kell тизими бўйича – KEL1-12,2% ва KEL-72,4% ва резус тизими бўйича энг кўп миқдорда учрайдиган фенотип бўлиб-CDe, гематологик беморларда Kell тизими бўйича К ва к 61,2%ни ташкил этганлиги исботланган;

резус ва Kell тизимлари бўйича резус манфий бўлган ҳомиладор аёллардаги минор антигенлар C-8,0%; c-99,0%; E-11,0%; e-99,0% ва Cw-6,0% ни, Kell тизими бўйича эса—KEL1-8,0% ва KEL-72,0%ни, резус тизими бўйича энг кўп сонда учрайдиган фенотип бўлиб – cde, Kell тизими бўйича эса K ва k 68,0% даражани ташкил қилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республика вилоятлари бўйича АВ0 тизимининг аниқланган учраш сони, Ўзбекистон ҳудудида АВ0 ва Резус тизимлари бўйича қоннинг гуруҳли омилларини тақсимланишини минтақавий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган қон банкини шакллантириш имконини берган;

гематологик беморларда мажбурий тартибда, бемордаги антиген таркибга энг юқори даражада яқинлаштириш мақсадида минор антигенларини баҳолаш ва қон қуйишдан кейинги асоратлар хавфини камайтириш зарурлиги асосланган;

резус манфий бўлган ҳомиладорларда KEL1ни янада юқори даражада учраши, улар қонининг фенотипини мажбурий ҳисобга олиш билан улар учун эритроцит сақлаган муҳитларни танлаб олишни ўтказиш зарурияти таъкидланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони ва материал танланганлиги қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, изосерологик ва статистик усуллар асосида аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш самарадорлигини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида эритроцитар антигенлари (АВ0, Резус, Kell-Cellano тизимлари қон гуруҳлари)ни геногеографик тавсифини аниқлаш, шунингдек резус-манфий қонга эга бўлган аёлларда ва гематологик беморларда RH тизими минор антигенларини баҳолаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар қоннинг гуруҳли омилларини тақсимланишини ҳисобга олиш билан гемотрансфузион муҳит заҳираларини шакллантириш ва режалаштириш, шунингдек, қон қуйишдан кейинги асоратлар ва чақалоқларнинг гематологик касалликлари хавфини сезиларли камайтириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Қон қуйиш станцияларива доволаш профилактика муассасаларида донор хамда реципентларнинг иммуногематологик текшириш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 8н-д/17-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аҳолини орасида қон компонентларини қуйиш ва посттрансфузион асоратларни олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика қон қуйиш маркази ва Сирдарё вилояти қон станциясининг амалиётига татбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 8н-д/120-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши резус тизими бўйича қон касалликлари билан хасталанган беморлардаги минор антигенлар текширилувчига С - 65,3; с - 70,4; Е - 37,8; е - 90,8 ва Сw - 14,3, Kell тизими бўйича эса – KEL1 - 12,2 ва KEL - 72,4 ни, резус тизими бўйича энг кўп сонда учрайдиган фенотип бўлиб-CDe, гематологик беморларда Kell тизими бўйича барча 4 та - K-k+, K-k-, K+k+, K+k- фенотиплари, устунликка эга бўлган фенотип бўлиб эса – K-k+ фенотипи ҳисобланишни асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсон қони гуруҳлари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида АВО, RH, Kell-Cellano тизимлари тўғрисидаги маълумотларни сақлайди: уларнинг қисқача тарихи, таснифи ва геногеографияси келтириб ўтилган. Ушбу бобда ҳомиладор аёлларда ва қон касали билан хасталанган беморлардаги посттрансфузион асоратлар тўғрисидаги адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳажми, объекти ва материаллари ёритилган. Тадқиқот ишлари 2016 йилдан 2018 йилгача Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт маркази ва Республика қон қуйиш марказида олиб борилди. Лаборатор текширишлар эса Республика қон қуйиш маркази лабораторияларида бажарилди. Тадқиқот объектлари бўлиб, донорлар қони, қон касали билан хасталанган беморлар қони, қони резус манфий бўлган ҳомиладор аёллар қони ҳисобланди. Илмий ишда Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидан жами бўлиб 260463 донорлик қон намуналари, шунингдек, 98 донорлик қони ва минор антигенларни тадқиқ қилиш учун 98 нафар гемолитик беморларнинг тиббий карталари тадқиқ қилинди. Бундан ташқари резус манфий бўлган ҳомиладор аёлларнинг 100 та намунаси текширишдан ўтказилди.

Қон касали билан хасталанган беморлар орасида аутоиммун гемолитик камқонлик (28 ҳолат), апластик камқонлик (23 ҳолат), сурункали лимфолейкоз (9 ҳолат), ирсий гемолитик камқонлик (8 ҳолат), ўткир миелоидли лейкоз (7 ҳолат), сурункали касалликлар камқонлиги (4 ҳолат), идиопатик тромбопеник қизиллик (4 ҳолат), ўткир лейкоз (3 ҳолат), ўткир лимфобластли лейкоз (3 ҳолат), сурункали миелолейкоз (2 ҳолат), пернициоз камқонлик (2 ҳолат), миелодиспластик синдром (2 ҳолат), ўткир промиелоцитар лейкоз (1 ҳолат), ўткир миеломоноцитар лейкоз (1 ҳолат) ва гемофилия (1 ҳолат) бўлганлар кузатилди.


Эритроцитлар антигенларини тадқиқ қилишни тадқиқот вақтида амалда бўлган: қон хизмати фаолиятини координациялаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 27 ноябрдаги № 324 сонли «Донорлик қони ва унинг компонентлари тўғрисида»ги қарори, ЎзР ССВнинг 2016 йил 10 августдаги 2- сон «Қон компонентларини клиникада қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи меъёрий ҳужжатларга мос ҳолда олиб борилди.

АВО, Rhesus, Kell-Chellano ва C^w аниқланган антиген тизимлари билан ўрганилаётган эритроцитларнинг фенотипик тузилмаларини ўрнатилишини стандарт эритроцитлар панелида ва моноклонал реагентлар ёрдамидаги юзадаги тўғри гемагглютинация усули билан ўтказилди. АҚШнинг BioRad ва Франциянинг DIAGAST фирмаларининг эритмалари ва жиҳозлари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.


Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйлаб АВО ва RHD тизимлари бўйича қон гуруҳларини тақсимланиши» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида АВО ва RHD бўйича қон гуруҳларини учраш сони келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар республика ҳудудлари бўйлаб АВО тизимлари антигенларини тақсимланишини бир хилда бўлмаслигини кўрсатди. Аниқландики, О гуруҳини учраш сони Фарғона, Сирдарё, Наманган ва Андижон вилоятларида умумий республика даражасига нисбатан солиштирилганда статистик аҳамиятли паст даражада бўлди (1-расмга қаранг).




1-расм. Республика кўрсаткичига нисбатан вилоятлар бўйича О гуруҳини учраш даражаси

А гуруҳини учраш сони ва Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида умумий республика даражасига нисбатан таққосланганда статистик аҳамиятли юқори бўлиб чиқди (2-расмга қаранг). В гуруҳини учраши фақат Сирдарё вилоятида умумий республика даражасига нисбатан солиштирилганда статистик аҳамиятли юқори бўлиб чиқди (3-расмга қаранг).




2-расм. Республика кўрсаткичига нисбатан вилоятлар бўйича А гуруҳини учраш даражаси

Ва ниҳоят АВ гуруҳини учраши эса Фарғона ва Андижон вилоятларида республика даражасига нисбатан солиштирилганда статистик аҳамиятли юқори бўлиб чиқди (4-расмга қаранг).




3-расм. Республика кўрсаткичига нисбатан вилоятлар бўйича В гуруҳларини учраш даражаси



4-расм. Республика кўрсаткичига нисбатан вилоятлар бўйича АВ гуруҳларини учраш даражаси

Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мазкур кўрсаткичларни тақсимланишини ўрганиш кўрсатдики, О гуруҳини учраши республика даражасидан статистик жиҳатдан фарқ қилмайди (5-расмга қаранг).



5-расм. Республика кўрсаткичига нисбатан Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича АВО тизимлар антигенларини учраш даражаси

Тошкент шаҳрида А гуруҳини учраши умумий республика даражасига нисбатан статистик аҳамиятли паст бўлди. Тошкент шаҳрида В гуруҳини учраши аксинча республика даражасига нисбатан статистик аҳамиятли юқори бўлди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида АВ гуруҳини учраши ҳам умумий республика даражасига нисбатан статистик аҳамиятли юқори бўлиб чиқди. Олиб борилган

тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасининг барча минтақалари учун қон гуруҳлари фенотипларини учраш сонини ақс эттиришга имқон берди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича қон гуруҳлари фенотипларини тақсимланиш даражаси

№	Вилоятлар	Фенотип
1.	Андижон	$A > O > B > AB$
2.	Бухоро	$O > A > B > AB$
3.	Жиззах	$O > A > B > AB$
4.	Қашқадарё	$A > O > B > AB$
5.	Навоий	$A \geq O > B > AB$
6.	Наманган	$A > O > B > AB$
7.	Самарқанд	$A \geq O > B > AB$
8.	Сурхондарё	$O > A > B > AB$
9.	Сирдарё	$A \geq O \geq B > AB$
10.	Тошкент	$A > O > B > AB$
11.	Фарғона	$A > O > B > AB$
12.	Хоразм	$A \geq O > B > AB$

1-жадвалдан кўриниб турибдики, республика вилоятлари бўйича $A > O > B > AB$ фенотипи устунликка эга. Шу нарса диққатни ўзига жалб этадики, шундай вилоятлар борки, уларда А ва О фенотипларининг сони деярли тенгдир. Бундай вилоятларга Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари қиради $A > O > B > AB$. Сирдарё вилояти алоҳида эътиборни ўзига жалб этади, бу ерда 3 гуруҳ амалий жиҳатдан тенгдир $A > O > B > AB$.

Буни эҳтимол тарихий нуқтаи назардан тушунтриш мумқиндир. Қадимий Хоразм ва Самарқанд юқори даражада ривожланган тамаддунга эга бўлган ва турли халқ ва этнос вакилларини доимо ўзига жалб этиб келган. Сирдарё вилояти эса «сак»лар ва «суғдиёналик» лар қаби қадимий халқларни ажратиб турувчи чегарада ётади. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича Сирдарё «Мўғилистон» ва «Моворонуннахр»ни ажратиб туради. Навоий вилоятида саноатни ривожланиши бошқа миллатга мансуб аҳолини келиш улушини ошишига олиб келди.

Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари учун қон гуруҳ фенотиплар сонини ўрганиш қизиқарли маълумотларни аниқлади. Тошкентда $O \geq B > A > AB$ аниқланган фенотипик қатор Республиканинг бошқа биронта ҳам худудида аниқланмади (2- жадвалга қаранг). Қорақалпоғистон Республикасида эса $O > A > B > AB$ фенотипи аниқланди, бутун Республика бўйича эса - $A \geq O > B > AB$ фенотипи аниқланди.

2-жадвал

Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича
 $A \geq O > B > AB$ қон гуруҳлар фенотипларини тақсимланиши

№	Худудлар	Фенотип
1.	Тошкент шаҳри	$O \geq B > A > AB$
2.	Қарақалпоғистон Республикаси	$O > A > B > AB$
3.	Ўзбекистон Республикаси	$A \geq O > B > AB$

Шунингдек, бизлар томонимиздан республиканинг барча вилоятлари бўйича резус тизим ҳам ўрганилди. Тадқиқотлар кўрсатдики, RHD+ нинг энг кам учраш фоизи Бухоро (91,5%), Навоий (92,4%) ва Хоразм (92,8%) вилоятларида, энг юқориси эса – Жиззах (95,5%) ва Сурхандарё (95,1%) вилоятларида кузатилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича қоннинг RHD
фенотипларини тақсимланиши

№	Вилоятлар	Фенотип, %	
		RHD+	RHD-
1.	Андижон	93,9	6,1
2.	Бухоро	91,5	8,5*
3.	Жиззах	95,5	4,5*
4.	Қашқадарё	94,2	5,8*
5.	Навоий	92,4	7,6*
6.	Наманган	92,9	7,1*
7.	Самарқанд	93,3	6,7
8.	Сурхондарё	95,1	4,9*
9.	Сирдарё	93,6	6,4
10.	Тошкент	93,9	6,1
11.	Ферғона	94,0	6,0
12.	Хорезм	92,8	7,2*
Республика бўйича (назорат)		93,8	6,2

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича резус тизимни ўрганишнинг қиёсий натижалари 4-жадвалда келтирилган. Ўзбекистон аҳолисининг 93,8% мусбат резусга ва 6,2% эса манфий резусга эгадир.

Вилоятлар бўйича қоннинг гуруҳ омилларини тақсимланиш сонини билиш фавқулотда ҳолатларда қонни тайёрлашни режалаштиришни илмий-асослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақолпоғистон республикаси бўйича қоннинг RHD фенотипларини тақсимланиши

№	Худудлар	Фенотип, %	
		RHD+	RHD-
1.	Тошкент	93,0	7,0*
2.	Қорақолпоғистон Республикаси	95,3	4,7*
3.	Ўзбекистон Республикаси	93,8	6,2

Шундай қилиб, АВО тизимлари асосий антигенларини тақсимланиши бўйича олинган натижаларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси бўйича уларнинг тақсимланиш харитасини қуйидагича тасаввур этиш мумкин (6-расмга қаранг).




6-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича АВО тизимлар антигенларини тақсимланиши

Қизил ранг-0 гуруҳининг устунлиги; мовий ранг- А - гуруҳининг устунлиги; сариқ ранг- А ва 0 кўрсаткичлари тахминан тенг; яшил ранг- А , 0 ва В кўрсаткичлари тахминан тенг.

Диссертациянинг «**RHCE ва RTLL тизимлар қон гуруҳларини тақсимланишини ўрганиш бўйича натижалар**» деб номланган тўртинчи бобида қиёсий аспектда соғлом донорларда, гематологик касалликлар билан хасталанган беморларда ва ҳомиладор аёлларда RHCE ва KELL тизим антигенларини тарқалишини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Бизнинг маълумот натижаларимиз бўйича гематологик беморларда С ва с антигенларининг сони, соғлом донорлар кўрсаткичлари сонидан тахминан 10%га паст бўлиб чиқди (7-расмга қаранг).



7-расм. Соғлом донорлар, гематологик касаллик билан хасталанган беморлар ва ҳомиладор аёлларда RHCE тизим антигенларининг тақсимланиши

Шунингдек, E ва e антигенлар кўрсаткичларининг сони соғлом донорлар кўрсаткичларидан бир неча марта паст бўлиб чиқди. Бироқ, C^w антигенини учраш сони соғлом донорлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда кескин юқори бўлди.

Ҳомиладор, резус манфий бўлган аёлларда C ва E антигенларининг учраш сони соғлом донорлар кўрсаткичларига нисбатан солиштирилганда етарли даражада паст бўлди. бунда c ва e антиген кўрсаткичларининг сони жуда ҳам юқори бўлди (99%). Cw антигенини учраш сони соғлом донорлар кўрсаткичлари билан ўзаро қиёсий бўлди.

KELL тизимлар антигенларини учраш сонини ўрганиш кўрсатдики, гематологик беморлар орасида позитивлар соғлом донорларга нисбатан 2 марта юқоридир.

Резус манфий ҳомиладорларда KELL1 нинг учраш сони соғлом донорлар кўрсаткичларига нисбатан солиштирилганда 1,3 марта юқори бўлди.

Шунингдек, бизлар учун соғлом донорлар, гематологик касаллик билан оғриган беморлар ва резус манфий ҳомиладор аёллар ўртасида KELL ва RHCE тизимлар фенотипларини тақсимланиши ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Қиёсий аспектда донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий ҳомиладор аёллардаги RHCE тизим фенотипларини учраш сони 5-жадвалда келтирилган.

Натижалар шундан гувоҳлик бердики, соғлом донорларда энг кенг тарқалган фенотип бўлиб –CcDE (27,5%) ва CcDe (25,5%) фенотиплари бўлди. Соғлом донорларнинг фенотиплари қуйидаги кетма кетликда жойлашди: CcDEe>CcDe>cDEe>CDe>cde>Cde=cDE=CwCDe=CwCcD.

**Донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий
ҳомиладор аёллардаги RHCE тизимлар фенотипларини учраши**

Фенотип	Учраш даражаси, %		
	донорлар	беморлар	Ҳомиладорлар
CcDEe	27,5	11,2*	0*
CcDe	25,5	13,3*	0*
CDe	13,3	18,4*	0*
cDEe	12,2	9,2*	0*
cde	5,1	9,2*	78,0*
cDE	3,1	6,1*	0*
C ^w Cde	3,1	0*	0*
C ^w CcDEe	3,1	7,2*	0*
cDe	3,1	7,2*	0*
CDEe	1,0	1,0	0*
C ^w cDEe	1,0	0*	0*
C ^w CDEe	1,0	1,0	0*
C ^w CcDe	1,0	2,0*	0*
C ^w cDe	0	2,0*	0*
CDE	0	1,0*	0*
Dee	0	1,0*	0*
Cde	0	4,1*	0*
Ccde	0	3,1*	6,0*
C ^w Ccde	0	1,0*	0*
C ^w Cde	0	1,0*	1,0*
CcdEe	0	0	1,0*
cdEe	0	0	8,0*
cdE	0	0	1,0*
C ^w cdEe	0	0	1,0*
C ^w cde	0	0	4,0*
-d-	0	1,0	0
Жами	100	100	100

Ee=cDe >C DEe = Cw c DEe = CwC DEe = CwC DEe = CwCc De.
Натижалар кўрсатдики, гемолитик касалликлар билан хасталанган беморларда резус тизим фенотипларининг жуда юқори даражада турли - туманлиги учрайди. Айнан ушбу гуруҳда – Dee (1%), - d- (1%) типдаги жуда кам учрайдиган фенотип кузатилди. Мазкур гуруҳда етарли даражада кам учрайдиган Cw антиген фенотиплари юқори сонда қайд этилди. Бу гуруҳда энг кенг тарқалган фенотип бўлиб C De (18,4%) фенотиби бўлди. Гематологик касалликлар билан хасталанган беморлардаги фенотиплар қуйидаги тартибда жойлашди: C De >Cc De > Cc DEe >c DEe =c de > CwCc DEe =c De >c DE >C de

$>C_c d_e > C_w C_c D_e = C_w c D_e > C D E e = C_w C D E e = C D E = D e e = C_w C_c d_e = C_w C d_e = - d -$. Қони резус манфий бўлган ҳомиладор аёлларда энг кенг тарқалган фенотип бўлиб $-c d_e$ (78,0%) фенотипи бўлди. Ҳомиладор аёлларда фенотиплар қуйидаги тартибда жойлашди: $c d_e > >c d E e > C_c d_e > C_w c d_e > C_w C d_e = C_c d E e = c d E = C_w c d E e$.

Шунингдек, бизлар томонимиздан соғлом донорлар, қон касаллиги билан оғриган беморлар ва резус манфий бўлган ҳомиладор аёлларда Kell антигенлари фенотипларини тақсимланиши ўрганилди.

Соғлом донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий бўлган ҳомиладор аёлларда Kell антигенлари фенотипларини учраш сони б - жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар шундан гувоҳлик берадики, соғлом донорларда Kell тизим антигенларининг фақат 4 фенотипи учрайди, улар: $-K- k^+$, $K-k-$, $K+k^+$ ва $K-k^+$. Энг кенг тарқалган фенотип бўлиб $-K-k^+$ (92,9%) фенотиплари ҳисобланди. Соғлом донорларнинг Kell фенотиплари қуйидаги кетма кетликда жойлашди: $K^- k^+ >> K^+ k^- > K^+ k^- > K^- k^-$.

б-жадвал

Донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий ҳомиладор аёллардаги Kell тизимлар фенотипларини учраш даражаси

Фенотип	Учраш даражаси, %		
	донорлар	беморлар	Ҳомиладорлар
$K^- k^+$	92,9	61,2*	68,0*
$K^+ k^+$	4,1	11,2*	4,0
$K^+ k^-$	2,0	1,0*	4,0*
$K^- k^-$	1,0	26,6*	24,0*
Жами	100	100	100

Олинган натижалар кўрсатдики, гематологик касалликлар билан хасталанган беморларда Kell тизим фенотипларининг 4 хил тури учрайди. Мазкур гуруҳда ҳам энг кенг тарқалган фенотип бўлиб $-K-k^+$ (61,2%) фенотипи ҳисобланди. Ушбу гуруҳда янги фенотиплар $-K+k^+$ (11,2%) ва $K+k^-$ (1,0%) пайдо бўлди. Гематологик касалликлар билан оғриган беморларнинг фенотиплари қуйидаги кетма - кетликда жойлашади: $K-k^+ > K+k^+ >> K+k^-$.

Резус манфий қонга эга бўлган ҳомиладор аёлларда ҳам шунингдек, Kell тизимлар антигенларининг 4 типдаги фенотиплари мавжудлиги аниқланди. ушбу ҳолатда энг кенг тарқалган фенотип бўлиб $-K-k^+$ (68,0%) ҳисобланди. Ҳомиладорлардаги фенотипларни жойлашиш қатор кетма-кетлиги қуйидагича бўлди: $K-k^+ > K-k^- >> K+k^+ = K+k^-$.

Шундай қилиб, бизлар томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар нафақат Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари бўйича АВО ва резус тизимларни можор антигенларини тарқалишини тушунишга, балки соғлом донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий бўлган

ҳомиладор аёлларда Kell, резус ва ABO тизим антигенлари фенотипларини тарқалишини кўриб чиқишга имкон берди. Аҳолидаги қон гуруҳларини тарқалишини тадқиқ қилиш фенотипланган донорлик қонини узок муддат сақлаш банкини яратиш учун замин яратади, бу эса фавқулотда ҳолатларда ва режали ишларни олиб бориш шароитида реципиентлар учун қон ва унинг компонентларини иммунологик ҳавфсизлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, бизлар томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар нафақат Ўзбекистон Республикасининг барча минтақалари бўйича ABO ва резус тизимларни можор антигенларини тарқалишини тушунишга, балки соғлом донорлар, қон касаллиги билан хасталанган беморлар ва резус манфий бўлган ҳомиладор аёлларда Kell, резус ва ABO тизим антигенлари фенотипларини тарқалишини кўриб чиқишга имкон берди. Аҳолидаги қон гуруҳларини тарқалишини тадқиқ қилиш фенотипланган донорлик қонини узок муддат сақлаш банкини яратиш учун замин яратади, бу эса фавқулотда ҳолатларда ва режали ишларни олиб бориш шароитида реципиентлар учун қон ва унинг компонентларини иммунологик хавфсизлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

«Аҳолини эритроцит антигенлари билан аллоиммунизациясини ташхислашни такомиллаштириш ва эритроцитларнинг антиген таркибига кўра аҳолининг геногеографик тармоғини тузиш» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар берилди:

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳар 100 нафар текширилувчида қоннинг А гуруҳи 31,3% ни; 0 - 31,2% ни; В - 27,7% ни ва АВ - 9,8% ни ташкил этди. Тадқиқотда иштирок этган 100 нафар текширилувчининг 93,8% нафарида резус мусбат, 6,2% нафарида эса резус манфий ҳолат аниқланди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳар 100 нафар текширилувчида қон гуруҳининг 0 - 32,6%; А - 30,0%; В - 27,7 % ва АВ - 9,7% ни ташкил этди. Текширилганларнинг 100 нафаридан 95,3% резум мусбат, 4,7% резус манфий бўлиб ҳисобланди. Тошкент шаҳри бўйича эса ҳар 100 нафар текширилувчида қон гуруҳининг 0 - 30,8%; А - 28,7%; В - 29,9 % ва АВ - 10,6 % ни ташкил этди. 100 нафар текширилувчиларнинг 93,0% резус мусбат, 7,0% да резус манфий ҳолат аниқланди.

2. Тошкент шаҳрида қон гуруҳи фенотиплари сонининг кетма кетлиги - $0 \geq B > A > AB$; Қорақалпоғистон Республикасида - $0 > A > B > AB$ ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудлари бўйича - $A \geq 0 > B > AB$.

3. Андижон, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятларида А ($A > 0$) қон гуруҳлари, Бухоро, Жиззах ва Сурхандарё вилоятларида-0 ($0 > A$) гуруҳлари устунликка эга, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида эса А ва 0 гуруҳлари тахминан тенг даражада ($A \geq 0$) аниқланди. Сирдарё вилоятида А, 0 ва В қон гуруҳлари деярли тенг

натижаларга эга бўлди ($A \geq 0 \geq B$). Қон гуруҳлар фенотиплари сонини кетма - кетлиги Андижон, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятларида - $A > 0 > B > AB$, Бухоро, Жиззах ва Сурхандарё вилоятларида - $0 > A > B > AB$, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида - $A \geq 0 > B > AB$, Сирдарё вилоятида эса - $A > 0 \geq B > AB$.

4. Резус тизими бўйича соғлом донорларда минор антигенлар сони, 100 нафар текширилувчига нисбатан: С - 75,5%; с - 80,6%; Е - 49,0%; е - 96,9% ва С - 8,2% ни, Kell тизими бўйича эса ҳар 100 нафар текширилувчига нисбатан KEL1 - 6,1% ва Cellano - 90,8%ни ташкил этди. Резус тизими бўйича энг кўп учраган фенотиплар бўлиб – CcDEe ва CcDe бўлди. Соғлом донорларда Kell тизими бўйича устунликка эга бўлган фенотип бўлиб – K^+k^- (100 нафар текширилувчида 92,9) ҳисобланди.

5. Резус тизими бўйича қон касалликлари билан хасталанган беморлардаги минор антигенлар сони: ҳар 100 нафар текширилувчига С - 65,3%; с - 70,4%; Е - 37,8%; е - 90,8% ва Cw - 14,3% ни ташкил этди; Kell тизими бўйича эса ҳар 100 нафар текширилувчида – KEL1 - 12,2% ва Cellano - 72,4 % натижани кўрсатди. Резус тизими бўйича энг кўп сонда учрайдиган фенотип бўлиб-CDe ҳисобланди. Гематологик беморларда Kell тизими бўйича барча 4 та - K^+k^+ , K^+k^- , K^-k^+ , K^-k^- фенотиплари аниқланди, устунликка эга бўлган фенотип бўлиб эса – K^+k^+ фенотипи ҳисобланди (100 нафар текширилувчида 61,2 ни ташкил этди). Резус тизими бўйича резус манфий бўлган ҳомиладор аёллардаги минор антигенлар сони: ҳар 100 нафар текширилувчига С - 8,0%; с - 99,0%; Е - 11,0%; е - 99,0% ва Cw - 6,0 % ни ташкил этди; Kell тизими бўйича эса ҳар 100 нафар текширилувчида – KEL1 - 8,0% ва Cellano - 72,0% натижани кўрсатди. Резус тизими бўйича энг кўп сонда учрайдиган фенотип бўлиб-cde ҳисобланди (100 нафар текширилувчида 78,0). Манфий резус ҳомиладор аёлларда шунингдек Kell тизими бўйича барча 4 та - K^+k^+ , K^+k^- , K^-k^+ , K^-k^- фенотиплари аниқланди, устунликка эга бўлган фенотип бўлиб эса – K^+k^+ фенотипи ҳисобланди (100 нафар текширилувчида 68,0 ни ташкил этди).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ГЕМАТОЛОГИИ**

КАЮМОВА ГУЛЬНОЗА ХАБИБЖОН КИЗИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ АЛЛОИММУНИЗАЦИИ
АНТИГЕНАМИ ЭРИТРОЦИТОВ И СОЗДАНИЕ
ГЕНОГЕОГРАФИЧЕСКОГО РЕГИСТРА НАСЕЛЕНИЯ**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Tib375.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре Гематологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Саидов Аълонур Бахтинурович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна доктор медицинских наук Баховадинов Бурхонидин Баховиддинович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878)150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2020 года).

А.Г.Гадаев
председатель Разового научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Д.А.Набиева
ученый секретарь Разового научного
совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

Ш.А.Бабаджанова
Председатель научного семинара при
Разовом научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В республике Узбекистан доля коренного населения (узбеков) довольно высока (по данным на 2013 год 82%), однако её этнический состав весьма разнообразен, и, по уровню многонациональности Узбекистан сравним с Российской Федерацией. По данным Госкомстата РУз за 2010 год «...доля узбеков составила свыше 90% населения в Хорезмской, Андижанской, Кашкадарьинской, Бухарской областях и свыше 80% в Самаркандской, Ферганской, Наманганской, Джизакской, Сурхандарьинской, Навоийской областях. В городе Ташкенте и Ташкентской области этот показатель составил свыше 65%, а в Каракалпакстане 37% всего населения...»¹. Таким образом, очевидно, что распространенность других этносов значительно отличается в разрезе регионов Республики. В этом случае, возникает острая необходимость в данных о региональной специфике частоты встречаемости, в первую очередь, антигенов групп крови системы АВО и Резус. Более того, знания антигенов эритроцитов групп крови систем АВО, Резус, Kell-Cellano и фенотипов антигенов эритроцитов групп крови систем Резус, Kell-Cellano позволят создать банк долгосрочного хранения фенотипированных компонентов донорской крови, что в свою очередь будет способствовать повышению иммунологической безопасности гемотрансфузионной терапии. Значение таких банков существенно возрастает в современных условиях, когда высок риск развития чрезвычайных состояний с массовым поступлением пострадавших, в том числе с кровопотерями, требующими экстренного возмещения гемотрансфузионными средами. Ещё одной из важных проблем трансфузиологии является обеспечение иммунологической и инфекционной безопасности трансфузионной терапии. Этот аспект связан с профилактикой посттрансфузионных реакций, гемолитической болезни новорождённых. Посттрансфузионные реакции могут возникать как во время проведения переливания гемокомпонентов, так и через определённое время после трансфузии. Однако частота посттрансфузионных реакций возрастает при повторных и длительных трансфузиях, что делает эту проблему актуальной для онкологических и гематологических больных.

В мире проводятся ряд исследований направленные на совершенствование и повышение эффективности диагностики аллоиммунизации населения эритроцитарными антигенами и создание геногеографической карты населения по антигенному содержанию эритроцитов. В этой связи изучение частоты встречаемости групп крови в разрезе разных регионов, создание геногеографической карты по группам крови, изучение частоты встречаемости трансфузионно опасных антигенов эритроцитов у доноров, беременных и гематологических больных, создание алгоритма подбора иммунологически совместимых доноров эритроцитов для гематологических больных имеет особое значение.

